

DAVR KOZGUSI

Ro'znoma 1978 yil 1-apreldan chiqqan boshlagan.
Ellikqal'a tuman hokimligining ijtimoiy-siyosiy gazetasi

www.davrkozgusi.uz
davr_kozgusi@exat.uz

№ 2 (3155)
2021 yil 30-yanvar, shanba



ASSALOMU ALAYKUM, AZIZ MUSHTARIY!

9 - ФЕВРАЛЬ - МУШТАФАККИР ШОИР АЛИШЕР НАВОИЙ ШАВАЛЛАДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИ



ТЕМУР ТИФИ ЕТМАГАН ЖОЙНИ ҚАЛАМ БИЛАН ОЛДИ АЛИШЕР...

Мир Алишер Навоий 1441 йил 9-февралда Хиротда туғилган. Ёшлигидан илмга чанқоқ ўсган Алишер ўзбек ва бошқа туркий халқлар шоири, давлат арбоби даражасига эришган. Ўз даврида дунёга донғи кетган ижодкор Али Яздий, Мавлоно Лутфий, Абдурахмон Жомийлар назарига тушган ва улар билан ҳамкорликда бўлган.

Хукмдор Хусайн Бойқаро даврида салтанатда ишончли вазир лавозимида ишлаб Халқ манфаати йўлида кўплаб мадраса, шифо масканлари, кўприк, ҳаммом, масжидлар қурдирган. Насм ва назм бобида тенги йўқ шоир тасаввуф, илмий-филологик, фалсафий асарлари билан машҳурдир. А.Навоий 1501 йил 3-январда вафот этган.

Алишер Навоий ижоди бутунги кунгача бутун дунё аҳлини лол қолдириб келмоқда.

КЎРГАЛИ ҲУСНИНГНИ ЗОРУ...

Кўргали ҳуснингни зору мубтало бўлдум санга,
Не балоллиғ кун эдиким, ошно бўлдум санга.

Ҳар неча дедимки, кун — кундин узай сендин кўнгил,
Ваҳки, кун — кундин баттаррак мубтало бўлдум санга.

Мен қачон дедим: вафо қилғил манга — зулм айладинг,
Сен қачон дединг: фидо бўлғил манга — бўлдум санга.

Эй кўнгил, тарки насиҳат айладим аввора бўл,
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санга.

Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдур мудом,
Соқие, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санга.

Гусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,
То Навоидек асиру бенаво бўлдум санга.

Мамлакатимизда "Давлат тили тўғрисида"ги қонун қабул қилинганини фахр билан эслар эканмиз, унинг амалий қийматини тобора кўпроқ ҳис этамиз. Бу тарихий ҳужжат кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадиий тафаккур маҳсули бўлган ўзбек тилининг қадди — бастини тиклаш учун қўйилган залворли қадам экани намён бўлаверади. ЮНЕСКО маълумотида кўра, ҳозирги кунда дунёда 6 минг 909 тил мавжуд бўлиб, улардан 200 га яқини давлат тили мақомига эга. Тилимизнинг жозибаси, гўзал ифодаси, ҳиссиёти — ю нафосатини

чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг аллаларини, минг йиллик дostonларимизни, ўлмас мақомларимизни эшитсин, баҳши ва ҳофизларимизнинг сеҳрли кўшиқларига қулоқ тутсин", деган эди Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида.

Эътиборлиси 2006—2008 йилларда беш томлик "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" чоп этилди. Шу кунларда луғатнинг лотин алифбосидаги наشري тайёрланяпти. Унда 100

ТИЛНИ СЕВМАК-ВАТАННИ СЕВМАК ДЕМАКДИР!

Навоий бобомиз нақадар теран тасвирлаган бўлса,

ўтган асрда адабиёт вакиллари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Гафур Ғулом, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Озод Шарофиддиновлар ўз асарлари билан уни янада бойитишга ҳисса қўшган эди.

Дарҳақиқат, бутун ўзбек тили давлат тили сифатида барча иш ҳужжатларида акс этмоқда, уни ривожлантириш бўйича кенг кўламли саъй — ҳаракатлар олиб бориляпти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора — тадбирлари тўғрисида"ги ПФ — 5850 — сонли Фармони билан ушбу сана "Ўзбек тили байрами кuni" дея эътироф этилди. Бундан ташқари, ушбу фармон ижроси доирасида Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти фаолияти йўлга қўйилиб, давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ташкил қилиш мақсадида маънавий — маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди. Бу ҳам иш юритишни давлат тилида олиб борилишига хизмат қилади.

"Кимда — ким ўзбек тилининг борлатофатини, жозибаси ва таъсир кучини,

минг сўз бўлиши кутиляпти.

Лекин бу қанчалик самара берапти? Жамиятда бунинг таъсирини сезяпмизми? Нафақат ёшлар, балки катталар ўртасида тилга муносабат қандай?

Кўча — кўйдаги реклама баннерлари, дўконлар пешлавҳалари, маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини ажнабийча аташ, ўзбек тилида ёзилганларининг хатолар билан ифодаланиши тил жонкуярлари бўлган зиёлиларимиз томонидан кўп танқид қилиняпти ва бу бежиз эмас.

Тил ўзланимиздир, унда қадриятларимиз мужассам. Она сути билан қонимизга киради. Ўзбекча мулоқот қиламиз, фикримизни ифодалаймиз, куламмиз, йиғлаймиз. Тил бу кимлигимизни англатиб турувчи қиёфамиздир.

Аммо оиладан бошлаб, ишхонамизга борганимизда ҳам бирорта бегона сўз қўшмасак, ўзимизни эркин ҳис қилмаймиз, гўё шу билан "салоҳиятимизни" намоиш этамиз. Бу муаммо китоб ёки газета — журнал ўқимаганимиздан, сўзлашув луғатимиз камбағаллигидан далолат беради. Ахир уйимизда ўзбекча мультфильмларни кўриб улғайган фарзандимиз билан мулоқот қилсак, унинг талаффузидаги адабий сўзлардан ҳайратга тушамиз, шундай эмасми? Демак, соф ўзбекча кўрсатувлар, бадиий — адабий китоблар забонимизни бойишига хизмат қилиши шубҳасиз.

(Давоми 2-бетда)

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРОРИ ТУМАНИМИЗДА БЎЛДИ

Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Фарҳод Алламбергенов Эликқалъа туманидаги 17-, 50-, 38-, 44-умумий ўрта таълим мактаблари ва 4-ихтисослаштирилган Давлат умумий ўрта таълим мактабида

халқ таълими вазири ўринбосари Шарафаддин Тажимуратов ва мутасадди соҳа раҳбарлари ҳамроҳлик қилдилар.

Шунингдек, шу кuni Бўстон шаҳридаги №18-сон Болалар мусиқа ва санъат мактабида



Республика прокурори Ф. Алламбергенов, Қорақалпоғистон Республикасидаги Ўзбекистон Республикаси Бoш вазирининг тадбиркорлар мурожаат — ларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудири Ринат

бўлиб иқтидорли ёшлар билан учрашди. Шунингдек мактабларда ташкил қилинган фан, касб — ҳунар ва спорт тўғараклари фаолияти билан яқиндан танишди. Ушбу мактаблардаги мавжуд муаммолар ўрганилиб уларни бартараф этиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Ташриф давомида Ф. Алламбергенов ёшларни китобхонликка ва спортнинг шахмат турига янада кенгроқ жалб қилишни алоҳида таъкидлаб, ўқувчи ёшларга 100 та шахмат доскаси ва 300 дан зиёд бадиий адабиётлар совға қилди. Республика прокурорига туман ҳокими ўринбосари Б. Алимов, Қорақалпоғистон Республикаси

Айтмуратов ҳамда бошқа тегишли вазирлик ходимлари билан биргаликда тадбиркорлар ва ёшлар билан учрашув ўтказилди. Сайёр қабулда уларнинг муаммо ва таклифлари тингланди, 50 та мурожаатдан 9 та мурожаат жойида ҳал қилиниб, 20 тасига тушунтиришлар берилди. Сайёр қабул давомида соғлиқни сақлаш, халқ таълими, тижорат банклари бўлимлари, туман электр тармоқлари корхонаси ва бошқа ташкилотларга мурожаатларнинг ижроси юзасидан муддатлар белгилаб берилди ва алоҳида назоратга олинди.

Қ.ЭШЧОНОВ,
муҳбир.

Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройлик, деб тўғри айтишади. Ҳақиқатан, инсоннинг ўз пешона териси билан меҳнат қилиб топган ҳар бир луқма нонида барака бўлади. Шу сабабдан, замон қанчалик ривожланиб, замонавий турмуш яратилаверсин ота — боболаримиздан қолган ҳунармандчилик асрлар оша ўз ўрни ва қадрини йўқотмайди.

ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИ ДОИМО ПРОКУРОР НАЗОРАТИДА

Тўрткўл туман прокуратураси томонидан тадбиркорларнинг ҳимоясини ишончли таъминлаш, фаолиятни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни



бартараф этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш учун қулай шарт — шароитлар яратиш, соҳага оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари ижроси юзасидан тизимли назорат тадбирлари амалга оширилмоқда.

Ҳисобот даврида туман прокуратураси томонидан 8 та текшириш ва мониторинглар ҳамда олиб борилган амалий тадбирлар натижасида 42 та якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти янгидан ташкил этилди. 1740 таси ўз фаолиятини қайта тиклаб, 212 та янги иш ўринари яратилди. Масалан, «Ҳамза ўғли Самойиддин» хусусий корхонасига асосий турдаги озиқ — овқат маҳсулотлари жамғариш учун «ЧЕКИ» Савдогарбанк Тўрткўл филиали томонидан 2 млрд. сўм кредит ажратилишига амалий ёрдам берилди. Шунингдек, миллий либослар тиқиш билан шуғулланувчи ҳунарманд Ў.Ишнйезовага карантин даврида солиқ имтиёзи ҳисобланмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ — 5969 — сонли қарорига асосан имтиёзини туман давлат хизматлари марказидан ўтказишига ёрдам кўрсатилди. Натижада, ҳунарманднинг солиқдан қарздорлиги бартараф қилинди.

«Айдар» масъулияти чекланган жамияти раҳбарининг мурожаати асосида янги трансформатор ва ҳаво кабель линиялари тортиб берилди. Натижада, жамият билан бир қаторда фаолият юритаётган шу ҳудуддаги яна 41 та тадбиркорлик субъектлари сифатли электр энергияси билан таъминланди.

Тадбиркорлар фаолиятини мунтазам қўллаб — қувватлаш мақсадида амалий ёрдам билан бир қаторда уларга тушунтириш, ҳуқуқий маслаҳатлар бериб бориш учун туман прокуратурасида доимий ишловчи

532 — 10 — 07 ишонч телефони фаолияти ҳам йўлга қўйилган, ҳудудларда ойда камида икки марта кенгайтирилган учрашувлар ва қабуллар ташкиллаштирилмоқда.

Жумладан, «Тўрткўл транс» МЧЖ раҳбари С.Мадраимов аҳолига транспорт хизмати кўрсатиб, фуқароларнинг тезкор алоқа орқали боғланиш учун

диспетчерлик хизматига қисқа рақам олишда амалий ёрдам сўраб туман прокуратураси «Ишонч телефони»га йўллаган мурожаатини ўрганиш давомида, «Тўрткўл транс» МЧЖга такси хизматларини кўрсатиш учун ташкил этилаётган диспетчерлик хизматига Қорақалпоғистон Республикаси телекоммуникациялар тармоғи рақамлаш режасидан «1228» қисқа рақами бириктирилиши таъминланди.

Шунингдек, тадбиркорликнинг қадимий йўналишларидан бири бўлган ҳунармандчилик соҳасини ҳам қўллаб — қувватлаш, устоз — шогирд анъанасини давом эттириш борасидаги ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан туман прокурори масъул бўлган 2 — сектор ҳудудидаги «Темир дафтар»га киритилган эҳтиёжманд ва кам таъминланган оилаларнинг меҳнатга лаёқатли аъзолари ҳудуддаги ҳунармандларга бириктирилиши натижасида 14 нафар ёшлар ҳамда 22 нафар аёллар иш билан таъминланди. Олиб борилган тарғибот ва ташвиқотлар натижасида «Машъал» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи, ногиронлиги бўлган Х.Қўчқоров дурадгорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида эканини, кредит ажратилса иш фаолиятини юритиши мумкинлигини билдирган. Туман прокуратураси ташаббуси ва амалий ёрдами натижасида фуқаро Х.Қўчқоровга дурадгорлик фаолиятини бошлаши учун 30 млн имтиёзли кредит ажратилди.

Сектор ҳудудидаги оғир турмуш шароитига тушиб қолган 71 та оилага субсидия асосида иссиқхона қуриб берилди. Бугунги кунда фуқаролар иссиқхонадан фойдаланиб етиштирган сифатли маҳсулотини халқимиз дастурхонига етказиб бериш билан бирга ўз даромадларига ҳам эга бўлмоқдалар.

Аҳолини, айниқса ёшлар ва хотин — қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, микроолиялаш тизимини такомиллаштириш ҳамда тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб — қувватлаш, аҳолининг тадбиркорлик билан шуғулланишига қизиқиши ва манфаатдорлигини ошириш борасида туман ҳокимлиги, давлат бошқаруви ҳамда назорат идоралари билан ҳамкорликда олиб борилаётган тадбирларни янада жадаллаштириб, мавжуд муаммоларни бартараф этишнинг барча зарур чораларини кўриб борамиз.

О.ЗАРИПОВ,
Тўрткўл туман
прокурорининг ёрдамчиси.

ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ 2023 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиби тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Қарор билан Ўзбекистонда 2023 йилда аҳолини рўйхатга олиш тартиби бўйича низом тасдиқланди.

Унга кўра, 2021 йил 1 — 25 ноябрда Андижон вилояти Хўжаобод тумани, Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани, Хива шаҳри ҳамда Тошкент шаҳри Яшнобод туманларида дастлаб аҳоли синов тариқасида рўйхатга олинади.

Мамлакат даражасида аҳолини рўйхатга олиш эса 2023 йил 1 — 25 ноябрда қуйидагича амалга оширилади: 1 — 5 ноябрда аҳоли интернет тармоғи орқали рўйхатга олинади;

6 — 10 ноябрда интернет орқали рўйхатга олинган респондентлар ва уларнинг уй манзиллари рўйхати шакллантирилади; 11 — 22 ноябрда аҳолини рўйхатга олиш варағи шакллари асосида уйма — уй юриб аҳоли рўйхатга олинади; 23 — 25 ноябрда ҳар бир участкадаги уй — жой манзилларининг 10 фоизи танланма равишда назорат кузатуви асосида ўрганилади.

Қарор билан аҳолини рўйхатга олиш жараёнларига жалб этиладиган шахслар ҳақ тўлаш тартиби ва миқдорлари тасдиқланди.

Д.ТАНГИРБЕРГЕНОВ,
Элликқалъа тумани статистика
бўлими етакчи мутахассиси.

ТИЛНИ СЕВМАК-ВАТАННИ СЕВМАК ДЕМАКДИР!

(Давоми, бошланиши 1-бетда).

Яқинда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси сайтида Нидерландияда ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш кучаяётгани ҳақида ўқиб қолдим. Ўзбекистон Республикасининг Бельгия қироллигидаги элчихонасида Европа мамлакатларида ўзбек тилини ўрганишга бўлган қизиқишни қўллаб — қувватлаш масалаларига бағишланган учрашув бўлиб ўтган экан. Албатта, бу диққатга муносиб.

Хорижликлар тилимизни ўрганишга қизиқаётган бир паллада ўзимизнинг лоқайд ва бефарқ бўлишимиз яхши эмас.

Ушбу мақоламни шоира Зулфия Мўминованинг тил ҳақида ифтихор ила ёзган қуйидаги шеъри билан якунлашни лозим топдим:

Менинг учун сендан улуғ йўқ,
Она тилим — бузруквор шоҳим.
Сен бордирсан демак, ўзбек бор,
Она тилим — олампаҳоим.

Ж.ҚОДИРОВ,
27-сон мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

Мамлакатимиз ҳудудида кейинги йилларда темир йўл тармоғида жуда катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Янги темир йўл линияларининг ишга туширилиши иқтисодиётимизни юқори даражага кўтаришда, йўловчиларнинг узогини яқин қилишда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда янги саноат корхоналарининг қурилиши, хорижий ҳамкорлар билан қўшма корхоналар ташкил қилиниши ва турли мулкчилик шаклидаги хусусий ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолият кўрсатаётганлиги темир йўлда ташишлар ҳажмининг

ТЕМИР ЙЎЛЛАР ҲАМДА ТЕМИР ЙЎЛ КЕСИШМАЛАРИДАН ЎТИШ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ!

ошишини таъминламоқда. Халқимизнинг турмуш шароити яхшиланиб, натижада автотранспорт воситалари сони ҳам тезкор суръатлар билан ўсмоқда.

Темир йўл билан автомобиль йўлининг кесишган жойлари, яъни темир йўл кесишмалари доимо хавфли зона ҳисобланади. Шуни доимо эсда тутиш керакки, темир йўл кесишмаларида темир йўл транспорти бошқа транспорт воситаларига қараганда устунликка эгадир ва ҳайдовчилардан алоҳида эътиборни талаб қилади. Агарда зарурат юзасидан шошилинч тормоз бериб, поездни тўхтатишга ҳаракат қилинганда ҳам тўхташ масофаси энг камида 500 — 800 метрни ташкил қилади. Йўл транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибати мамлакат иқтисодиётига ва жамиятнинг маънавий ҳаётига жуда катта зарар етказиши сабабли уларнинг олдини олиш давлатимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Поездлар билан автомобиль йўллари кесишган жойларда транспорт ҳайдовчиларидан ўз ҳушёрликларини янада оширишлари талаб этилади. Лекин амалда бундай бўлмапти? Қоидабузар ҳайдовчилар йўл кесишмаларидаги яқинлашиб келаётган поезд ҳақидаги огоҳлантириш белгиларини кўриб турса ҳам йўлни кесиб ўтмоқчи бўлишади. Оқибатда нохуш ҳодиса, автомобиллар билан поездларнинг тўқнашуви юз беради. Уларнинг аксарияти мудҳиш оқибатларга олиб келади. Бу тўқнашувлар оқибатида энг ачинарлиси, ҳар икки транспортга жиддий зарар етади, инсонлар ҳаётдан эрта кўз юмади, қоидабузар ҳайдовчилар ўзларинигина эмас, балки ўзгаларнинг ҳаётига ҳам зомин бўладилар, кўплар оғир тан жароҳати олиб бир умрга ногирон бўлиб қолади.

«Ў з т е м и р й ў л н а з о р а т» инспекцияси Оролбўйи филиали ва Қўнғирот минтақавий темир йўл узели корхоналари томонидан бундай хунук ҳодисаларнинг олдини олиш борасида қатор тарғибот

ишлари амалга оширилмоқда. Шунга қарамасдан ҳайдовчилар томонидан темир йўл кесишмаларидан ўтиш қоидаларини қўпол равишда бузганлиги натижасида 2019 йил давомида Қўнғирот минтақавий темир йўл узели ҳудудида (Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси) жойлашган темир йўл кесишмаларида 10 та йўл транспорт ҳодисаси содир этилган бўлса, 2020 йил ва шу кунга қадар 9 та йўл транспорт ҳодисаси содир бўлди.

Масалан: 2019 йил 19 ноябрда «Питнак» бекатида ЧМЭ — 3 русумли (машинист Аннаев) манёвр тепловози



2020 йил 26 июнда Хазоросп тумани «Мискин — Истиқлол» бекатлари оралигининг 6 км 9 пикетида жойлашган, қўриқланмайдиган темир йўл кесишмасида давлат рақами 3807 ЗН бўлган трактор билан №2449 — сонли тепловоз, (машинист Артиков) №8202 — сонли поезд тўқнашуви содир бўлди.

Тўқнашувга автотранспорт ҳайдовчисининг йўл ҳаракати қоидалари талабларини қўпол равишда бузиб, ҳаракатни тақиқловчи қизил чирогига риоя қилмай ўзбошимчалик билан тўхтамасдан тезда ўтиб кетмоқчи бўганлиги сабаб бўлган.

Йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун корхона ва ташкилотлар мутасаддилари билан ҳамкорликда мунтазам равишда автоҳўжаликларда, саноат корхоналарида, хусусий автомобиль транспорти бор аҳоли ўртасида, мактаб ва маҳалларда суҳбатлар ўтказиш ва тушунтириш ишларини янада жонлантиришимиз лозим. Азиз юртошлар, темир йўллардан ҳамда темир йўл кесишмаларидан ўтиш қоидаларига тўла риоя қилайлик!

Д.СЕЙДАГАЛИЕВ,
Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси Оролбўйи филиали бош инспектори.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТИДАН KEYINGI ЎЙЛАР

Ватан ҳақида гап кетганда, биз кўпинча инсонларнинг ватанпарварлиги, меҳнатсеварлиги ва бошқа кўпгина яхши хусусиятлари ҳақида гапириб, «Ватанни севмоқ иймондандир», — деган иборани келтирамиз, ҳар биримиз Ватанимизни севамиз, ардоқлаймиз, унинг келажаги учун меҳнат қиламиз. Ватанпарвар ўқитувчи қандай бўлиши керак? Бир тил адабиёти ўқитувчиси сифатида бу ҳақда кўп ўйлайман. Чунки, ёш авлодга, фарзандларимизга, ўқувчи ёшларимизга ватанпарварлик фазилатини сингдириш, уни тарбиялаш боғчадан ва мактабдан бошланишини яхши биламан.

Бир мулоҳазамни айтиб ўтмоқчиман. Катта қизим эндигина 6 ёшга кирди, тумандаги 14 — сон хусусий боғчага боради. Ишдан сўнг болаларим билан гаплашиб ўтираман, «бугун нима қилдинглар, нималарни ўргандинглар?» деб сўрайман. У инглиз ва рус тилида ўнга қадар бўлган сонларни санаб беради, ёзишга ҳаракат қилади. Ёдлаган шеър ва қўшиқларини айтиб берганида куни бекор ўтмаётганидан қувонаман,

БУГУНГИ ЎҚИТУВЧИ ҚАНДАЙ БЎЛМОҒИ КЕРАК?

тарбиячисидан миннатдор бўламан.

Яқинда у Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси мадҳиясини равон ва тушунарли қилиб айтиб берганида, беихтиёр кўзларимга ёш келди. **Бу — боғчада шаклланаётган ватанпарварлик туйғусининг бошланғич кўриниши эди.**

Телевидениедаги чиқишларининг бирида Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим — Ўзбек халқи мангу яшайди, деймиз



бунинг учун ўзбек халқини севадиган одамлар бўлиши керак. **Ватанпарварларни эса Адабиёт яратади,** — деган эди.

Буюсўзларни эсласам

бугунги ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари ҳақида ўйлаб қоламан. Биз дарс вақтидан қандай унумли фойдаланаяпмиз. Ўтилган ҳар бир дарсдан ўқувчи нима олаяпти. Уларга Ватанни севишни, янги Ўзбекистонни яратишда муносиб кадр бўлишини, ҳалол меҳнат қилишни, ватанпарварлик ҳиссини сингдираоляпмизми?

Дарс жараёнида шоир ёки ёзувчининг таржimai ҳоли ёки туғилган санасини ёдлаб келиши ёки бирон шеърни ҳар бир ўқувчига битта куплетдан ёдлаб келиш, кўр — кўрона тўтидек такрорлаш билан мақсадга эришиб бўлмайди.

Ҳар бир ғазал ёки шеърнинг маъно — ю мақсади содда ва тушунарли қилиб айтиб берилса, ифодали ўқишга ўргатилса ҳар қандай ўқувчини жалб қилиш, диққатини тортиш мумкин.

Буюк шоиримиз А.Навоийнинг

Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш,
Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,

Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш, — деган пурмаъно ғазалини эсланг, қанча асрлар олдин яратилган бу ғазал бизнинг олтин меросимиздан ўрин олган, негаки бугунги кунда ҳам у ўзининг қадр — қимматини йўқотмаган. Хориж ҳаётини, хориж маданиятини орзу қилиб, турли мамлакатларга чиқиб кетаётган ёшларимизнинг онги заҳарланаётгани, турли экстремистик оқимлар уларни ўзи туғилиб ўсган юртига қарши қайраб, жиноятчига айланаётгани бор гап. Бундай адовларга учган юртдошларимизни, Суриядан Президентимиз ташаббуси билан қайтариб олиб келинган аёллар ва болалар мисолида, уларнинг афсус, надоматлар билан тўла сўзларидан ҳам кўриб турибмиз. Демак, буюк шоир айтгандай, «Олтин қафас» Ватаннинг тиканзоридек ошён бўлолмас экан.

Қиссадан ҳисса деганларидек, бир ғазал мисолида бунинг гувоҳи бўлиб турганимизни адабиёт ўқитувчилари ҳар бир ўқувчи онига мисоллар билан сингдира олса, биз мақсадга эришган бўламиз.

Ўқитувчи, муаллимларимизнинг таълим — тарбиядаги ўрни, уларнинг маҳорати, ўқитиш усуллари ўқувчиларимизнинг бугунги онги, савиясига хос ва мос бўлиши керак. Бугунги жадал суръатлар билан ривожланаётган, тезкор ахборотлар асрида туғилган болани эски усул билан ўқитиб бўлмайди. Бунинг учун ўқитувчининг ўзи ҳам ўз устида кўп ишлаши, замондан ортда қолмаслиги керак. Бу фақат ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларига тегишли гап эмас. Барча фан ўқитувчилари малакасини ошириб бормоғи лозим. Шундагина биз Президентимизнинг биз муаллимларга яратиб бераётган имкониятлари ва эътиборига муносиб иш қилган бўламиз. Ва янги Ўзбекистонимизнинг келажаги учун баркамол, замонавий кадрлар тайёрлаб бераоламиз.

Наргиза НУРМЕТОВА,
ТХТБ фанлар бўйича методисти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 — ноябрдаги "Ўзбекистонни янги тараққиёт даврида таълим — тарбия ва илм — фан соҳаларини режалаштириш чора — тадбирлари тўғрисида" ги

УСТОЗНИ УЛУҒЛАГАН ИНСОН

ПФ — 6108 — сонли Фармонига асосан Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан бунёд этилган "Чинобод плаза санаторияси"да ўқитувчи,



педагог, раҳбар ва ходимларни дам олишлари кўзда тутилган. Шу муносабат билан илғор ўқитувчилар, фахрий устозлар — Давлат мукофоти билан тақдирланганларга янги йил арафасида яна бир туҳфа — санаторияга бепул йўлланма берилди. Дам

олувчилар учун яратилган имкониятлар, хуш кайфият бахш этадиган фитобар, гимнастика зали, бассейн, кўзни қувонтирадиган қишқи боғ, дурдона асарлар билан бойитилган кутубхона

ЭЛДА АЗИЗДИР!

устозлар хизматида. Шунингдек ташкил этилган экскурсиялар ва бадиий кечалар чарчоғимизни чиқариб, янги меҳнат фаолиятимизга куч — ғайрат, чексиз меҳр — муҳаббат бағишлади.

"Ёшлар — Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, хазинаси" деб, уларга таълим — тарбия берадиган ўқитувчи касби энг нуфузли ва обрўли касб бўлиши лозимлигини қайта — қайта таъкидлаган, жонкуяр Юртбошимизга самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз. Йиллар давомида устозларга хизмат қилишдек олий мақсадни амалга оширишга бел боғлаган Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясига, санатория раҳбариятига, шифокорлар ва ишчи ходимларига ўз ташаккуримизни изҳор қиламиз. Зеро "Устозни улуғлаган инсон элда азиядир" дейди доно халқимиз!

Зайнабжон АБДУЛЛАЕВА,
№61 — сон мактабнинг биология фани
ўқитувчиси, "Меҳнат шўхрати" ордени
соҳиби.

ЁШЛАРГА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Ўтган 2020 йил пандемия шароитидаги мураккаб даврда ҳам №18 — сон Болалар мусиқа ва санъат мактабимизда онлайн ўқиш йўлга қўйилди. Натижада ўқувчиларимиз ўз билимларини янада ошириб республика миқёсидаги кўрик — танловларда онлайн тарзда фаол қатнашиб бир қатор муваффақиятларга эришди. Жумладан 2020 — 2021 йил онлайн тарзда ўтказилган "Камалак юлдузлари" болалар ижодиёти фестивалининг Ўзбекистон Республикаси босқичида "Фортепьяно йўналиши"да мактабимизнинг 3 — синф ўқувчиси Умида Зайдуллаева ҳамда "Халқ чолғулари доира йўналиши"да 2 — синф ўқувчиси Бобур Розумовлар фахрли ўринни эгаллаб диплом билан тақдирландилар. Энг қувонарлиси, Бобур Розумов "Ёш мақомчилар" Республика танлови фестивалининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида 1 — ўринни қўлга киритиб Ўзбекистон Республикаси миқёсида онлайн ўтказилган танловда 2 — ўринга сазовор бўлди.

Ёшларимизнинг ўз иқтидорларини намоиш қилиб бундай муваффақиятларга эришишида устоз ўқитувчиларнинг ҳам ўрни бор, албатта. Кўп йиллардан бери мактабимизда самарали меҳнат қилиб келаётган халқ чолғулари бўлими ўқитувчиси Анвар Сейтимбетов яқинда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Озодбек Назарбеков томонидан фахрий ёрлиқ билан мукофотланган бўлса, туман ҳокимлиги

тавсияси билан Ўзбекистон Маданият ва санъат институти Нукус филиалига ўқишга қабул қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида ва Ўзбекистон



Ёшлари форумидаги маърузасида давлат томонидан ёшларни маданият ва санъат соҳасида истеъдодларини юзага чиқаришлари учун янада кўплаб имконият ва имтиёзлар яратиш борасидаги сўзларидан руҳланиб 2021 йил — "Ёшларни қўллаб — қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да ҳам ёшларимизни бундан юқори пағоналарга эришиш учун бор билим ва меҳнатимизни аямаймиз.

Раҳматжон САИДОВ,
№18 — сон Болалар мусиқа ва санъат
мактаби директори.

2020 - ЙИЛ САБОҒИ



Умр — оқар сув. Мана ҳаёт китобимизнинг «2020 — йил» номли саҳифаси ҳам якунланиб, 2021 — йил номли янги саҳифаси очилди. Ўтган йилни кўпчилик ёмон хотиралар билан эслаши аниқ. Яхшими, ёмонми бу хотираларни тарихга муҳрлаб қўйишимиз керак. Чунки шу бир йил бир умрга етгулик сабоқлар қолдирди. Бундан қарийб 1 йил олдин дунё мамлакатлари тақдирини ўзгартириб юборадиган воқеа — Аср вабоси тарқалди. Унинг номи COVID 19, Хитой давлатидан бутун дунёга тарқалган бу вирус Олам харитасига ўз қора чизигини чизди. Жумладан Она Ватанимиз Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Бу бало ёшу — қарини, бою камбағални

танламади, бойлар ҳам, камбағаллар ҳам ҳеч қачон қадрига етмаган ҳавога зор эди. Буларнинг барчасида бир ҳикмат бор эди асли, бошимизга тушган бу қийинчиликлар инсонларнинг сабр — бардоши ва бирдамлигини синамадими? Шукур қилишга, нафас олаётган ҳар бир кунимизни қадрига етишга ўргатмадими?

Биз бироз узоқлашган, унутиб қўйган ибодатни, шукурни ёдга солиш учун юборилган Оллоҳнинг синовидир бу. Ҳа биз кўрдик енгиб ўтдик.

Биз 2020 йилни шундай хулосалар билан тугатамиз. Янги 2021 йил барчамизга энг яхши йил бўлсин.

ЧЕКИНМАЙМИЗ, ОЛГА ЮРТИМ!

Не кунлар тушди бошингга,
Дарёлар тошдику, ёшингга,
Гулбоғлар оқди тошқинга,
Чекинмаймиз олга юртим!

Бошга ташвиш тушганида эл бор экан,
Яхши кунда ёмон кунда тайёр экан,
Ўйин кулгу ўйлаганлар ночор экан,
Ўз халқига Ватан она макон экан,
Чекинмаймиз олга юртим!

Ўзбекистон улуг йўлда карвондир,
Юрт отаси халқпарвар бир сарбондир,
Биз кучлимиз энгилмасмиз ва то абад,
Эл ғамига йўлбошчимиз соябондир,
Чекинмаймиз олга юртим!

Зебунисо ҲАКИМБОВЕВА,
Бўстон шахри.

ЖИНОЯТ–ЖАВОБГАРЛИККА ОЛИБ КЕЛАДИ

Республикамызда тинчлик ва оёйишталики таъминлаш, фуқаролар хавфсизлигини муҳофаза қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда ҳар томонлама ХМҚО билан ҳамкорликда бир қатор чора – тадбирлар амалга оширилиб асосий эътибор инсон ҳаётига хавф туғдирувчи жиноятларнинг олдини олишга қаратилмоқда.

Олиб борилаётган тезкор тадбирлар давомида жорий йилда содир бўлган жиноятларнинг 16 таси ички ишлар бўлими ходимларининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда олиб борган тезкор тадбирлари давомида аниқланган жиноятлар бўлиб 4 та гиёҳвандлик, 2 та фирибгарлик, 1 та одам савдоси, 1 та этил спирти, алкоғоли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки

муомалага киритиш, 2 та порахўрлик, 2 та терроризм ва диний экстремизм, 1 та ҳужжатларни қалбакилаштириш, 1 та карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, 1 та сохта тадбиркорлик ва 1 та ов қуролини ноқонуний сақлаш жиноятлари аниқланган жиноятлар ҳиссасига тўғри келади.

Шу сабабли туманимиз фуқароларига ҳеч бир ноқонуний ҳаракат қонундан устун эмаслигини, ҳар қандай ноқонуний ҳаракат учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик белгиланганлигини эслатиб ўтамыз.

Қ.КАМАЛОВ,
ҚР ИИВ ЖҚБ ўМИБ ходими,
подполковник.

ЁНГИН ВА ИС ГАЗИДАН ОГОХ БЎЛИНГ!

Ҳар бир фуқаро газбаллондан, газ ва электр иситиш ускуналардан фойдаланишда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши шарт. Улардан фойдаланганда ёнгин хавфсизлиги

ўрилиши шарт. Мўрилар камида икки ойда бир марта обдон тозаланиб туриши керак, печ атрофига қуриштиш учун ювилган кийимлар ёйиб қўйиш ва кўрпа –

қоидаларини сақламай эътиборсизликка берилса қишнинг қаттиқ кунларида бошпанасиз қолиб кетиши мумкин. Ҳозирги вақтда табиий газ босимининг бир хил бўлмаслиги оқибатида печларга резина шланга улаб фойдаланиш



котел печ ва очиқ печларнинг мўриларининг нотўғри қурилиши сабабли ёнгинлар юз бермоқда. Қиш ойларида ёнгин бўлиши сабаблари кўп вақтдан бери ёқилмаган печлар ва мўриларининг носозлиги ва ҳаддан ташқари бирдан кўп миқдорда ўтин солиб ёқилишдан келиб чиқади. Бунинг олдини олиш учун энг дастлаб ўтин ёқмасдан олдин мўриларни яхшилаб текшириб чиқиш, унинг атрофини оҳаклаб қўйиш керак, сабаби оҳакланган жойдан тутун чиққанини дарҳол билишга бўлади. Ва камчиликни тузатиш осонроқ кечади.

Мўриларни ичкаридан ва ташқаридан кўздан кечириб, мўри атрофига 38Х38см бўлган ораликни сақлаб гишт билан

тўшакларни йиғиб қўйиш тақиқланади.

Олов – тилсиз ёв, унинг олдини олиш барчамизнинг вазифамиз. Эллиққалъа туман ёнгин хавфсизлиги бўлинмаси халқимизни ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузмасликка ва ёнгинни олдини олишга ҳамда «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги»да фаол қатнашишга чақиради.

Шу билан бир қаторда сизларга бир нарсани эслатиб қўймоқчимиз, агарда ёнгин хавфи ёки бошқа хавфли воқеалар юз берганда қуйидаги телефон рақамларига хабар беришингизни сўраймиз: 585 – 19 – 01 ва 101 га қўнғироқ қилинг!

Х.ИСМАИЛОВ,
Эллиққалъа тумани ФВБ бошлиғи ўринбосари, майор.

ОГОҲЛИК ДАВР ТАЛАБИ ҚУРИЛИШЛАРДА ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ

Мана 2020 йил ҳам тугаб 2021 йил кириб келди. Албатта ҳар йилнинг эсда қоларли янгиликлари бир – бирига ўхшамайди. Бу йил ҳам туманимиз фуқаролари учун янгиликларга ва ўзгаришларга бой йил бўлиши кутилмоқда.

Биз, яъни Эллиққалъа тумани Фавқулодда вазиятлар ходимлари ҳам ёнгинларни, қолаверса ис газидан заҳарланишни олдини олиш борасидаги амалий профилактик ишларни алақачон бошлаб юбордик. Қолаверса қурилишларда ва қурилиш ташкилотларида фавқулодда вазиятларни олдини олиш борасида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан: Эллиққалъа тумани «Гулдурсун» ОФЙ ҳудудидан ўтувчи «Бўстон» каналида Эрон Республикасининг «AREANA TD.CO» кампанияси томонидан олиб борилаётган қурилиш ишлари, ишчиларнинг дам олиш жойлари ва уларга яратилган шарт – шароитлар билан яқиндан танишдик. Аниқланган камчиликлар юзасидан шу ерда фаолият олиб бораётган раҳбар ходимларга фавқулодда вазиятларни олдини олиш борасида тушунтиришлар берилди.

Сўнгра туманнинг «Гулдурсун» ОФЙ ҳудудидан ўтувчи «Қирққиз» каналида «SIGMA GOLD» МЧЖ томонидан олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишиб ишчиларнинг дам олиш жойлари кўздан кечирилди.

Ўрганишлар жараёнида ишчилар дам олиш учун мослаштирилган хоналарда қўлбола

иситиш печлари, электр симларининг очиқ ҳолатда уланганлиги, дам олиш хоналарининг иситиш тизими йўқлиги ва бошқа кўпгина ёнгин келтириб чиқарувчи камчиликлар



аниқланиб бу ҳолатлар бўйича огоҳлантириш берилди. Албатта бундай камчиликни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Шу ўринда ҳамюртларимиздан қурилишларда ва уйларида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий равишда амал қилишингизни сўраб қолардик.

Д.АЛЛАБЕРГАНОВ,
Эллиққалъа тумани ФВБ НТБ бошлиғи, лейтенант.

ЭЪЛОНЛАР! ҚУРУВЧИЛАР ВА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Эллиққалъа тумани «Қирққизобод» ОФЙ ҳудудидида «Урганчтрансгаз» УК тизимидаги Урганч магистрал газ қувурлари бошқармасига қарашли бўлган «Газли – Нукус» юқори босими, Д – 1220 мм бўлган иккита газ узатиш қувурлари ва Эллиққалъа тумани «Тоза боғ» (Намуна) ОФЙлари ҳудудидида Д – 325 мм ва Д – 273 мм диаметрда бўлган иккита юқори босимли «Тўрткўл – Беруний» тармоқ газ қувурлари ва Эллиққалъа гп – отводи «Янбошқалъа» ОФЙда диаметри Д – 219 мм бўлган газ узатиш қувурлари жойлашган бўлиб, ушбу газ қувурлари орқали Эллиққалъа тумани аҳолиси ҳамда ишлаб чиқариш объектлари табиий газ билан таъминланиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида ушбу газ қувурлари учун ажратилган ер майдонлари рўйхатга олиниб, қурилиш меъёрий қоидаларига (ҚМҚ 2.05.06 – 97) асосан ҳимоя ва муҳофаза зонаси чегаралари белгилаб берилган.

Қурилиш меъёрий қоидаларига асосан диаметри Д – 1020 мм бўлган газ қувурларидан ҳар тарафига 250 метргача масофада, диаметри Д – 1220 мм қувурлар учун 300 м,

диаметри Д – 325 мм қувурлар учун 125 м, диаметри Д – 273 мм қувурлар учун 75 метргача масофада ҳар қандай қурилиш ишларини олиб бориш қатъий тақиқланган.

Мазкур ҳудудда турар – жой ва бошқа турдаги қурилишлар қурилиши ҚМҚ 2.05.06 – 97 талабларига зид бўлиб, газ қувурида авария юз берганда ҳудудда истиқомат қилувчи инсонларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол – мулки, атроф – муҳитга жуда катта хавф туғдиради.

Газ қувурларининг ҳимоя ва муҳофаза зонаси ҳудудларига қурилмалар қурилган тақдирда булар ноқонуний ҳисобланиб, қурилмалар суд орқали мажбурий тартибда бузиб ташланиши ва келтирилган зарарлар ноқонуний қурилмани қўрган шахсдан ундирилиши мумкинлиги қонунда қайд қилинган.

Шу сабабли ушбу ҳудудларда истиқомат қилаётган фуқаролардан юқоридаги қонун талабларига қатъий риоя қилишларини, ўзларининг ва бошқа инсонларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол – мулкига, атроф табиий муҳитига хавф туғдирмасликларни сўраб қоламиз.

«УРГАНЧТРАНСГАЗ» УК УРГАНЧ МАГИСТРАЛ ГАЗ ҚУВУРЛАРИ БОШҚАРМАСИ.

1997 йил 11 – апрелда туғилган Усманжанова Солиҳа Илхомжановна номига 2013 – 2016 – ўқув йилида Эллиққалъа санъат ва педагогика коллежининг «Бошланғич таълим» йўналишини ўқиб битказганлиги ҳақида 1498 – рақам билан рўйхатга олиниб, К №4057878 рақамли берилган диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.	Умаров Раҳматилло Рустамовичга 1998 йилда ТХТБга қарашли 15 – умумтаълим мактабининг 9 – синфини битказганлиги ҳақида берилган О'Р №022923 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
	Шарипова Фароғат Мақсудовна номига ТХТБга қарашли 25 – умумтаълим мактабини 2007 йилда 11 – синфини тугатганлиги ҳақида берилган О'Р – СН №0730810 рақамли аттестат йўқолганлиги туфайли бекор қилинади.

«DAVR KO'ZGUSI»	МУҲАРРИР Зулайҳо НУРМЕТОВА	Г а з е т а Қорақалпоғистон Республикаси Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг 2007 йил 5 – мартда берилган №01 – 036 рақамли гувоҳномаси билан рўйхатга олинган. Сотувда йўқ.	Мақолалардаги фактларнинг тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасига юкланади.	ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир: 585 – 21 – 28 Масъул котиб: 585 – 24 – 17	Газетанинг сифатли чоп этилиши учун ношир, муштарийлар қўлига ўз вақтида етиб бориши учун эса алоқа бўлимлари жавобгардир.	БУЮРТМА № 241 Нусхаси 782 дон
МУАССИСЛАР: туман ҳокимлиги ва муҳарририят журналистлар жамоаси.	Муҳарририят манзилгоҳи: 231600, Бўстон шаҳри, Амир Темура кўчаси, 36 – уй.		Газетага юборилган қўлёзмалар, суратлар муаллифга қайтарилмайди.	Компьютерда матн терувчи ва саҳифаловчи Д.АБДУРАЗЗОКОВ		НАВБАТЧИ: Қ.ЭШЧОНОВ
						Газета 29 – январь кун соат 12 ⁰⁰ да босишга рухсат этилди.
						Газета таҳририят компьютерида териб саҳифаланди ва «Қуванчбек Машхура» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.